

*Мушира Аҳмадхон Ҳўжса қизи*

*Райхон иси*

*Шеърлар*

“ФАРГОНА” НАШРИЁТИ  
НАЗОРАТ НУСХА

Фарғона-2012й.

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84 (5У) 7

У 99

535. араб.

Ўтанова, Мушира Аҳмадхон Хўжа қизи

Райхон иси: шеърлар/ М. Ўтанова – Ф.: «Фаргона»  
нашриёти, 2012. – 32 б.

«Катрада қуёш акси» дейилганидек, мазкур  
мўъжаз тўпламида муаллиф ўзининг кўнгил бойликларини  
тўлигича намоён этишга ҳаракат қылган. Гоҳи жўшқин, гоҳи  
маҳзун, энг асосийси, куюнчак, ҳаётсевар ва ишқпараст кўнгил  
самимияти билан йўғрилган мисралар китобхонларни  
ҳаяжонга солса ажаб эмас.

ЎЗБЕКИШӢАН "АҲМОДХОН"

АҲМОДХОН ЙАВОЗСАМ

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84. (5У) 7

10 40637

0

ISBN 978-9943-349-24-7

2013/8  
A 490

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

© «ФАРГОНА» нашриёти, 2012

© Мушира Ўтанова

## ОШНОЛИК БАХТИДАН РУҲЛАНИБ...

Севимли она-юртимиз ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган мўъжаз Қувасой шаҳри иқтисодий салоҳияти, сўлим боғ-роғлари билан машхур. Санъатсевар қувасойликлар ичидан элга таниқли ҳофизлар, қўшиқчилар етишиб чиқсан. Унинг бағрида адабиёт, шеърият ихлосмандлари ҳам кўп. Мушоира Аҳмаджон Хўжа қизи шулардан биридир.

Шеъриятта ҳамроҳлиги исмининг мазмунига сингган ҳаваскор қаламкаш бу ошнолик бахтидан руҳланиб яшайди. Кўп йиллардан буён шеърлар машқ қиласди. Мушоиранинг ўз битикларида ихчамликка эътибор бериш қаторида ҳисларини аниқ ифодалашга интилиши кўзга яққол ташланадиган ижобий хусусиятлардандир. Айниска, табиатта меҳр билан боқиб, унинг шеърий манзараларини чизишга тутинар экан, ўрни келганда, «гул кўнглим бор» тарзидаги ўзга хос сифатлашларни кўллаши кўнгилда умид учкунларини пайдо қиласди.

Юкорида айтганларимизга қарамай, ҳаваскор шоиранинг машқларида бир қатор меҳнатталаб жиҳатлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, у баёнчиликдан, туйғуларнинг шунчаки тасвиридан чекиниб, образлар тилида сўзлашни пухта ўрганиши, пишиб етилмаган фикрлар ифодасига берилмаслиги, мавзулар кўламини кенгайтириб бориши муҳим.

Хулоса ўрнида, Мушоира Аҳмаджон Хўжа қизи ўз исмига муносиб ижодкор эканлигини исботлашига ти-лақдошлигимизни билдириб қоламиз.

*Абдулла Содик, шоир.*

## ТУПРОФИНГ КЎЗГА СУРСАМ...

Ўзбекистон, диёрим,  
Киблағоҳим – отамсан.  
Мехрибон, мададкорим,  
Пойи жаннат онамсан.

Ёргуф жаҳон ичинда  
Энг нурағшон жаҳоним.  
Бахтли эрурман чиндан,  
Бағрингда йўқ армоним.

Эй кўзимнинг гавҳари,  
Баҳори умрим бодгин,  
Сени севганим сари  
Юксалар ғурур тօғим.

Тупроғинг кўзга сурсам,  
Кунгил кўзим очилур.  
Амрингта тайёр турсам,  
Бопимдан гул сочилур.

Берган иону тузингта  
Лойик этай хизматим.  
Пайти келса, кўксингта  
Қалқон бўлмоқ – ниятим.

Юртим, ишқингда бийрон  
Сўзлар бугун забоним.  
Шукур, бахш этди имкон  
Хур, дилрабо замоним!..

## СОЙЛАРИНГДА...

Кувасойим, бағрингда балқкан,  
Гоҳ сокин, гоҳ шиддат-ла қалқкан,  
Күксингта гул, чечаклар таққан  
Сойларингда оқди хаёлим.

Дилим ошно шовқинларига,  
Лол бокаман тұлқинларига,  
Ниғұхларим чўкиб қаърига,  
Сойларингда оқди хаёлим.

Суви кавсар сувидан каммас,  
Юзим ювиб, бир бор ичсам бас,  
Рухим яйраб, маст бўламан, маст,  
Сойларингда оқди хаёлим.

Балки бари суйганим учун,  
Чексиз меҳр қўйганим учун,  
Йўкса, бундай сир, сеҳр нечун,  
Сойларингда оқди хаёлим.

Тунлар тушиб чўмилади ой,  
Доғи кетиб, очади чирой,  
Пок, мисли йўқ мўъжизага бой  
Сойларингда оқди хаёлим.

Она шахрим, мени куйлатсан,  
Бўйларида узок ўйлатган.  
Жўшиб яшамоқни ўргатган  
Сойларингда оқди хаёлим.

## ЎГЛОНЛАР

Она-юргни айлашар обод,  
Аждодларнинг пок руҳларин шод,  
Жасоратли, мағрур ва озод  
Ватанимнинг мард ўглонлари.

Аҳдолариға содик, вафодор,  
Эл тинчлигин саклашар бедор,  
Ёв қошида бўлишмас абгор  
Ватанимнинг мард ўглонлари.

Рустам достон, Фарходдай гүё  
Зўрсиз, йўқдир тенгингиз асло,  
Сизга ҳавас қиласи дунё,  
Ватанимнинг мард ўглонлари.

Сизлар борсиз-тўқдир кўнглимиз,  
Чароғондир борар йўлимиз,  
Юлдузларга етар қўлимиз,  
Ватанимнинг мард ўглонлари.

## ТАЪЗИМ

Кунларимни гулга ўрадинг,  
Тунларимни нурга ўрадинг,  
Имконларни бериб кулимга,  
Юртим, мени бахтга йўлладинг.

Таъзимдаман сенга умрбод,  
Менда бўлса агар ихтиёр,  
Ва қайтадан берилса ҳаёт,  
Тугилардим бағрингда такрор...

Ахир қанча бокмай, ҳеч қачон  
Жамолингта тұя олмасман.  
Бирон ўзга юртни, онажон,  
Сенинг каби сужа олмасман...

## **САОДАТИМ САРБОНИ**

Менинг валинеъматим,  
Баҳоси йўқ давлатим,  
Ҳар бир сўзи ҳикматим,  
Отажоним, отажон.

Тавоф этар каъбамсиз,  
Суянч тогим, қалъамсиз,  
Улугсиз, мухтарамсиз,  
Отажоним, отажон.

Умр йўлида йўлдош –  
Онам кўнглига сирдош,  
Ҳамиша ғамхўр, дилдош,  
Отажоним, отажон.

Кезсам ҳамки дунёни,  
Топмам сиздай инсонни,  
Саодатим сарбони,  
Отажоним, отажон.

## ТАБАРРУГИМ, АЗИЗ ОНАЖОН

Кўзингизда поклик жилваси,  
Юзингизда майин табассум.  
Кўнглингизда меҳр жилғаси,  
Мавж уради тинмайин бир зум.

Шу жилғадан қониб ичдим мен,  
Яшнаб кетди умрим гулшани.  
Бахш этдингиз қанот, учдим мен,  
Чарх урган бахт қушим ушладим.

Табарругим, азиз онажон,  
Пойи жаннат, мушфик, мунисим.  
Жоним чулғар ширин ҳаяжон,  
Десангиз гар суйиб: «Жон кизим...»

Ҳар мушкулим осон сиз билан,  
Шукронамининг чеки йўқ асло.  
Йўлларим соз, равон сиз билан,  
Дилим равшан, қаддим ҳам расо...

Табарругим, азиз онажон...

## КЕЛ, БАҲОРИМ...

Ҳаялладинг бунчалар,  
Софигирма унчалар,  
Очилсин-ей ғунчалар,  
Кел, баҳорим, кел.

Қалдирғочлар, қайдасиз,  
Ахир қачон қайтасиз,  
Шўх қўшиқлар айтасиз,  
Кел, баҳорим, кел.

Кор хўп ўйнаб ўйинни,  
Ерлар намга тўйинди,  
Нозларингни қўй энди,  
Кел, баҳорим, кел.

Куртакчалар уйғонсин.  
Боғлар гулга чулғонсин,  
Ариқда сув тўлғонсин,  
Кел, баҳорим, кел.

Кечанг, тонгинг ажойиб,  
Хур бўстонинг ажойиб,  
Ҳар бир онинг ажойиб,  
Кел, баҳорим, кел.

## ОЙПАРИ

Кўкнинг қизи ойпари,  
Сўзларимга қулоқ сол.  
Тушиб кел-да мен сари,  
Бир умр ёнимда қол.

Тутинайлик дугона,  
Сирдош, дарддош бўлайлик.  
Ҳар нафасдан қувона,  
Завқу шавққа тўлайлик.

Жавдирайсан, сен томон  
Тушолмайман, дегандай.  
Узр, кўнглинг ҳеч качон  
Хуштолмайман, дегандай.

Ойпари, ишон менга.  
Бир иложин топаман.  
Қайғу чекма, ёнингга  
Ўзим чиқиб бораман.

Мехримнинг гулларидан  
Нарвон ясаб мустаҳкам,  
Самонинг йўлларидан  
Кадам босаман илдам.

## ХИЁНАТ

Чил-чил синди кўнглим шишаси  
Хиёнатнинг тошидан ногоҳ.  
Мухаббатнинг файзли гўшаси  
Зулмат ичра гарқ бўлди, эйвоҳ...

Дардим менинг уммонлар қадар,  
Бу кисматга кўникоқ мушкул.  
Куз шамоли оғир куй чалар,  
Менинг севгим-ҳазон бўлган гул.

Хиёнатнинг ўтли камони  
Яралади орзу қушимни.  
Аламларда ўрганар жоним,  
Қандоқ йигиб олай ҳушимни...

Сабрим, энди ўзинг бер мадал,  
Бу оғриқнинг ниҳояси бор.  
Виждонининг қосида факат  
Азоб тортсин ул хиёнаткор...

## БОРСАМ ЭДИ...

Узид хижрон занжирини,  
Гулга ўраб кон дилимни,  
Айтмоқ учун бор сиримни,  
Ёнингизга борсам эди.

Қайғуларга ўтлар қалаб,  
Армонни нимта-нимталаб,  
Этгани-чун соғинч талаб,  
Ёнингизга борсам эди.

## ЖАРОҲАТ

Қалбимниг ўчмас бир доги бор,  
Ҳеч кимга айтолмас охи бор,  
Хижроннинг туганмас азоби,  
Ишончнинг қулаган тоги бор.

Қанчалар ўзимни койимай,  
Бўлмайди барибир нолимай,  
Жароҳат битмайди то ҳануз,  
Нақадар аянчли ҳолим-ай.

Исмини дилимга этиб жо,  
Чидадим, келса ҳам не жафо.  
Билсам, мен ўзимни алдабман,  
Бевафо экан у, бевафо...

## ИШҚ

Севиб қолдим, нетай, ёр,  
Айламангиз айбдор,  
Күзларимга дунё тор,  
Ишқ этди мени банди.

Не келарди кўлимдан,  
Хайдолмасман кўнглимдан,  
Чиқсайдингиз йўлимдан,  
Ишқ этди мени банди.

Дарду ғамим ўзингиз,  
Армон, камим ўзингиз,  
Бор оламим ўзингиз,  
Ишқ этди мени банди.

Пинҳон тутсам сиримни.  
Куйдиради ичимни.  
Қамраб эрта-кечимни,  
Ишқ этди мени банди.

Лайли келди ёнимга,  
Ширин кирди жонимга,  
Кумуш хайрон ҳолимга,  
Ишқ этди мени банди.

## КҮНГИЛ КҮЧАСИДА

Күнгил күчасида  
Қадам босгани  
Қолмади йўл,  
Силтадим кўл.

Күнгил күчасида,  
Оёқ остида  
Эзилган кўз ёш,  
Юз очмас куёш.

Күнгил күчасида,  
Ишқ қўйида  
Отилган тошлар,  
Ёрилган бошлар.

Күнгил күчасида  
Ёгаётир кор.  
Кўмилган излар,  
Юрак музлар...

## ИСТАГИНГ НЕДУР?...

Гохида дейсан уни,  
Бу ни дейсан гохида.  
Тонгта улайсан тунни  
Бедорлик күчөгіда...

Күйгин, бу феълингдан кайт,  
Хадеб кийнама мени.  
Эй бекарор күнглим, айт,  
Истагинг недур сени...

## МЕН ҚҮРҚАМАН...

Күлим етмас, мендан олиссан,  
Осмон каби жуда ҳам олис.  
Күёшингни мендан олибсан.  
Зулматларда қолдим садосиз.

Куним туннинг кўлида асир,  
Айрилмадим аммо тилакдан.  
Мухаббатим кўксингта яшир.  
Мен қўрқаман ишқсиз юракдан...

## АҲВОЛИН КҮР

Излаб-излаб, изларингни тополмадим,  
Ўздан кечдим, аммо сендан кечолмадим.  
Сен кечдингу, буни сира тан олмадим,  
Эй азизим, қурбонини аҳволин кўр.


Ёнди жоним, мана ҳамон ёнмоқдаман  
Кўшкинг томон умид билан бокмоқдаман  
Ҳасратларим дарёсида оқмоқдаман.  
Эй азизим, қурбонингни аҳволин кўр.

Севишингни айтмаганинг – дилда армон,  
Изтиробда ўрганмоқда дил беомон,  
Гумон уни этди буткул хонавайрон,  
Эй азизим, қурбонингни аҳволин кўр.

## МАЖНУНТОЛ

Хаёл сурмай кўтар эгик бошингни.  
Сой бўйида танҳо ўстган мажнунтол.  
Армонларинг шунчалар ҳам бисёрми,  
Не сабабдан қачон кўрсам қаддинг дол.

Севганинга етишолмай, оқибат.  
Ҳасратида эгилдими қоматинг.  
Дардларингни сувга сўзларсан фақат,  
Балки бундан ўзга чора топмадинг...



## КҮЗЛАРИНГИЗ

Күзларингиз бир карашда ёндириди,  
Бир карашда ёндим, кул бўлдим, зйвоҳ.  
Ростин айтсам, борлиғимдан тондирди,  
Сизни қўмсаб, топганим бўлди гуноҳ.

Ўз-ўзимни қилдим сўнгра маломат,  
Толталмасин деб қайғурдим ишқ шаъни,  
Севги факат баҳш айласин саодат,  
Оҳ, уволи тутмасин ҳеч кимсани.

Баҳоримга ишқ қорларин ёғдирди,  
Кор остида қолиб кетди нигоҳим.  
Куёшимни осмонига оғдирди,  
Музлаб қолди мижжаларим, қароғим...

Кўзларингиз ёндиридими, музлатди...

## ОЙ ЮЗИДА

Тонг юзин силаган  
Қўлларим караҳт.  
Илгари интилган  
Йўлларим караҳт.

Тентираб юрибман,  
Надоматда куйибман,  
Ойга дилим ёрибман,  
Ой юзида доф бўлди...

## МЕН УЧУНМИ?

Кўзингдан ёш тўкканинг,  
Жонингни ҳам тикканинг,  
Товондаги тиканинг  
Мен учунми?

Осмонингдан кечганинг  
Ишқ оғусин ичганинг  
Зулмат ичра учганинг  
Мен учунми?

Хазон боғни кезганинг,  
Гул кўнгилни эзганинг,  
Пешонага чизганинг  
Мен учунми?

Чекканинг озор, алам,  
Топган шодликларинг ҳам,  
Сўзинг-бўлгувчи малҳам  
Мен учунми ?

## ХАЁТ

Хаёт турфа сирларга тўла,  
Пайдо этиб юракда орзу,  
Англаб бўлмас сабабга кўра  
Захматлардан ичирап оғу.

Аламларга ошно этади,  
Шодлик майин тутади гоҳо.  
Ҳаммаси ҳам бир-бир ўтади,  
Туганмайди орзулар аммо...

Сехргардир хаёт аслида,  
Мўъжизалар кўрсата олур.  
Изғиринли ҳазон фаслида  
Қалбга баҳор шавқини солур.

## ГУЛ КҮНГЛИМ БОР

Кадди расою шамшод,  
Сахролари ҳам обод,  
Яшнагувчи умрбод  
Гул күнглим бор,  
Гул күнглим.

Хусну малоҳатга кон,  
Гўзал ҳисларга макон,  
Билмайди, недир армон,  
Гул күнглим бор,  
Гул күнглим.

Мафтунидир сунбуллар,  
Қўшиқ куйлар булбуллар,  
Тутади даста гуллар,  
Гул күнглим бор,  
Гул күнглим.

Ғунчалари нафис, хур,  
Безаклари шабнам-дур,  
Тенгсиз хазинам эрур,  
Гул күнглим бор,  
Гул күнглим.

## КҮРМАСИН ДЕБ

Хасратларда түзғиди бу дил,  
Түфонаңда қолдим адашиб.  
Қандоқ қиласы, исәнчи күнгил  
Дарёлардай боради тошиб.

Түлиң ойдан яширдим юзим,  
Күрмасин деб, махзун кароғим.  
Тиң ёрмадим қүёшли кунга,  
Тутмасин деб, самони охим...

## ТОЛЕИМ

Юрагимда орзуларим күп,  
Айланмасин армонаңтарға ҳеч.  
Кел, толеим, пешонамдан ўп.  
Кучгил мени, бўлмай туриб кеч.

Курашлардан толганда руҳим,  
Хаёлингдан оламан мадад.  
Йўлингда ўт, сувларга тушдим.  
Мендан юзинг бурмагин фақат.

Кун келади, ишончим комил,  
Тақдир менга тутар гулдаста.  
Интилишим берар мўл ҳосил,  
Пешонамдан ўпарсан аста...

## **МУҲАББАТ, СЕН...**

Муҳаббат, сен,  
Кўнглим дури,  
Кўзим нури.

Муҳаббат, сен,  
Гўзал тилагим,  
Суянч, тиргагим.

Муҳаббат, сен,  
Умрим маъноси,  
Тонгим зиёси.

Муҳаббат, сен,  
Қийматим, кадрим,  
Шифобахш дардим.

## **ЮЛДУЗИМ**

Фикру зикрим фақат сиз,  
Бир сизни кўрар кўзим.  
Ҳаётим осмонида  
Чараклаган юлдузим.

Қолсак иккимиз танҳо,  
Нур ўтар нигоҳимиз.  
Қанот бағишилар вафо,  
Самолар-гувоҳимиз.

## РАЙХОН ИСИ

Райхон шохларин тебратиб,  
Япроқларин чангин артиб,  
Димоғимга исин тутар  
Шаббодани күнгил кутар.

Райхон иси жаннат бўйи,  
Бўлармиди асло тўйиб.  
Мана, эсди хуш шаббода,  
Тутди яна сирли бода.

Тану жоним яйраб кетар,  
Райхон иси сармаст этар.  
Боларилар ўйнар ғужгон,  
Капалаклар учар шодон.

Сўйса-да бор жонзот сени,  
Энг афзал дўст деб бил мени...  
Иккимиз ҳам бунда меҳмон,  
Айрилмайлик сира, райхон...

Шаббодажон эсгин яна...

## ХАЁЛЛАР

Ойдин-ойдин хаёллар,  
Сизга ошно бўлгим бор.  
Унтиб андуҳларим,  
Севинчларга тўлгим бор.

Узун-узун хаёллар,  
Чорлайсиз мени йўлга.  
Етиб борар манзилим –  
Кузи йўқ гулгун ўлка.

Ширин-ширин хаёллар,  
Кучоғингизда мастман.  
Сиздан айрилгим келмас,  
Шундай хаёлпарамстман.

Сирли-сирли хаёллар,  
Ажиб, меҳригиёсиз.  
Зулматларда қолмасман,  
Кўнглим ичра зиёсиз.

Оғир-оғир хаёллар,  
Мендан юринг олисрок.  
Хаёлпарамаст бўлсам-да,  
Сизни севмасман бирок...

## УМРИМ ҲИКОЯСИ

Манглайимга рассом йилларим  
Ажинларнинг расмин чиздилар.  
Ёки қалам тутган адидай  
Умрим ҳикоясин ёздилар.

Маъно кўпdir бу чизикларда,  
Ўтган кунлар муҳри мужассам.  
Ор килмасман улардан сира,  
Шукрим канда бўлмайди бир дам.

Эзгу, ширин ташвишлар билан  
Яшяяпман, кўнглим уйғокдир.  
Чизилгуси яна ажинлар,  
Умрим ҳикояси узокдир...

## ТУН ВА ТОНГ

Ховлимиизда дарахтлар бисёр  
Баҳор чоғи гуллар барчаси.  
Ҳар битта гул нафис, бетакрор –  
Эзгуликнинг нурли дарчаси.

Монанди йўқ манзарадир бу,  
Жо бўлмайди таърифи сўзга.  
Қарогимга тўлар хур ёғду,  
Уйқу келмас кечалар кўзга.

Сирли, сокин, қоронғу тунда  
Зўр мўъжиза содир бўлгандай.  
Гўё кўқдан ховлимииз узра  
Ҳарир бир тонг тушиб келгандай...

## АТЛАС

Ёришади чор-тараф,  
Күз кувнайди, дил яйраб,  
Күшлар юборар сайраб,  
Қизлар кийганды атлас.

Ёшарар күхна дунё,  
Энтикиб эсар сабо,  
Офтоб ҳам лол, ажабо,  
Қизлар кийганды атлас.

Таъзим этишар гуллар,  
Кенгайиб кетар йўллар,  
Мўъжиза содир бўлар,  
Қизлар кийганды атлас.

Элимнинг кўнгли обод,  
Бахтиёр, юрги озод,  
Паричехра, паризод  
Қизлар кийганды атлас.

## НИЛУФАР

Сержилва нилуфаргул,  
Фусункор сув охуси.  
Хандон кулгу юзида,  
Йўқдир асло қайғуси.

Маликадай эъзозлаб,  
Бошида элтар оқим.  
Бу илоҳий гўзаллик  
Дилга нақадар яқин.

## ШАРШАРА

Шаршара қўйнида  
Қоялар пинҳон.  
Гиёҳлар бўйнида  
Тизилган маржон.

Топшарнинг лабида  
Жарангдор кулгу.  
О, жаннат ҳақида  
Ҳикоятми бу...

## СОХИЛ БҮЙИДА

Соҳил бүйида,  
Ишқим күйида,  
Турибман ёлғиз  
Ёрим үйида.

Тўлқинлар тошар,  
Ҳисларим жўшар.  
Менинг кутганим  
Келганга ўхшар.

Ортга боқаман,  
Кўнглим ёқаман,  
Унинг қошига  
Сойдай оқаман...

## КОР ЁҚҚАНДА

Майин, оппок, беғубор,  
Эркаланиб ёғар кор.  
Кўздан териб ҳасратим,  
Тоширади ҳайратим.  
Кафтимда аста эрир,  
Тафтимдан аста эрир.  
Ширин энтикирар у,  
Дил овлашни билар у.  
Эзгулиқдан жим сўзлар,  
Поклик, окликни кўзлар.  
Заминга бўлиб мадор,  
Сўнг тухфа этар баҳор...

## Мундарижа

Ошналик бағтидан руҳланиб.....	3
Тупровинг күзга сурсам.....	4
Сойларингда.....	5
Үелонлар.....	6
Таъзим.....	7
Саодатим сарбони.....	8
Табарругим.....	9
Кел, баҳорим.....	10
Ойнари.....	11
Хиёнат.....	12
Борсам эди.....	13
Жароҳат.....	13
Ишқ этди.....	14
Кўнгилкӯчасида.....	15
Истагингнедур.....	16
Мен кўрқаман.....	16
Аҳвалин кўр.....	17
Мажсунтотал.....	17
Кўзларингиз.....	18
Ой юзида.....	18
Мен учунми?.....	19
Ҳаёт.....	20
Гулкўнглим.....	21
Кўрмасин деб.....	22
Толеим.....	22
Мұхаббат, сен.....	23
Юлдузим.....	23
Райҳон иси.....	24
Ҳаёллар.....	25
Умрим ҳикояси.....	26
Тун ва тонг.....	27
Атлас.....	28
Нигуфар.....	29
Шаршара.....	29
Соҳи бўйида.....	30
Қор ёққандा.....	30

Адабий-бадний нашр

*Мушира Аҳмадхон Ҳўжса қизи*

*Райхон исси*

*Шеърлар*

Мухаррир Н. Ҳошимов  
Техник мухаррир У. Жабборов  
Саҳифаловчи дизайнер О. Фазилова

Нашриёт лицензияси AI № 162 . 08.14. 2009 й.  
Теришга 30.05.2012 й. да берилди. Босишига руҳсат 18.06.2012 й. да  
этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$  Офсет босма. «Times» гарнитураси  
Шартли б.т. 2,25 Нашр-хисоб т. 2,0 Алади 1000 нусха.

Буюртма №34

«ФАРГОНА» нашриёти.  
150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кӯчаси, 28

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ босмахонаси  
100100, Тошкент шаҳар, Бобур кӯчаси 4  
Лиц. № 10-2454. 2011 йил 16 май